

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

DSc 02/30.12.2019.К/Т35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

МАМАТАЛИЕВ АБДУРАСУЛ АБДУМАЛИКОВИЧ

**АММОНИЙ НИТРАТИ, СУЛЬФАТИ ВА КАЛИЙ ХЛОРИДИ
АСОСИДА МУРАККАБ ЎҒИТЛАР ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Content of the dissertation abstract of doctor of science (DSc)

Маматалиев Абдурасул Абдумаликович

Аммоний нитрати, сульфати ва калий хлориди асосида
мураккаб ўғитлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш..... 3

Маматалиев Абдурасул Абдумаликович

Разработка технологии получения сложных удобрений
на основе хлорида калия, нитрата и сульфата аммония..... 29

Mamataliev Abdurasul Abdumalikovich

Development the technology of obtaining complex fertilizers
on the base potassium chloride, ammonium nitrate and ammonium sulphate..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 59

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

DSc 02/30.12.2019.К/Т35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

МАМАТАЛИЕВ АБДУРАСУЛ АБДУМАЛИКОВИЧ

**АММОНИЙ НИТРАТИ, СУЛЬФАТИ ВА КАЛИЙ ХЛОРИДИ
АСОСИДА МУРАККАБ ЎҒИТЛАР ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.DSc/T434 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси www.iopx.uz ва «ZiyoNeb» ахборот таълим парталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Намазов Шафоат Саттарович
техника фанлари доктори, академик

Расмий оппонентлар:

Эркаев Ақтам Улашев
техника фанлари доктори, профессор

Турдиалиев Умид Мухторалиевич
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

Нурмуродов Тулкин Исамуродович
техника фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Фарғона политехника институти

Диссертация химояси Умумий ва ноорганик кимё институти ҳузуридаги DSc.02.30.12.2019.K/T35.01 рақамли Илмий кенгашнинг «14» декабрь 2021 йил соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90, e-mail: iopxanguz@mail.ru).

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (19 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90.

Диссертация автореферати 2021 йил «27» ноябрь куни тарқатилди.
(2021 йил «27» ноябрдаги № 19 рақамли реестр баённомаси).



Б.С.Закиров

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор

Д.С.Салиханова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, т.ф.д., профессор

В.П.Гуро

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси ўринбосари,
к.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё аҳолисининг сони йилдан йилга жадал суратларда ўсиши ва экинга яроқли ерларнинг кескин қисқариб бориши жаҳон миқёсида озиқ-овқат муаммосини янада кучайтирмоқда. Бу борада, озиқ-овқат муаммосини ҳал қилишнинг самарали ечимларидан бири қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ва сифатли ҳосил олишда агрокимёвий самарали минерал ўғитлардан оқилона фойдаланиш ҳисобланади. Шунинг учун таркибида ўсимликлар ривожланиши учун зарур бўлган турли озуқа моддалари тутган мураккаб минерал ўғитлар олиш технологияларини ишлаб чиқиш, амалиётга жорий этиш ва қишлоқ хўжалигида қўллаш катта аҳамиятга эга.

Дунёда аммиакли селитра (АС) концентранган эритмаси ёки суюқланмасига таркибида фосфор, калий, олtingугурт, кальций, магний ва микроэлемент тутган ҳар хил ноорганик қўшимчаларни қўшиш йўли билан мураккаб ўғитлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, селитра концентранган эритмаси ёки суюқланмаси ва калий хлориди (КСl) асосида калийли-АС олиш жараёнини ўрганиш; АС суюқланмаси, КСl ва фосфогипс (ФГ) асосида NKS-ўғитлар олиш жараёнини ўрганиш; маҳсулотнинг таркиби ва хоссаларига КСl ва ФГ қўшимчаси миқдорининг таъсирини аниқлаш; аммоний нитрати ва сульфати (NH₄)₂SO₄) асосида физик-кимёвий ва товар хоссалари яхшиланган NS-ўғитлар олишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда АС суюқланмаси ва маҳаллий хом ашёлар асосида азотфосфорли ўғит (АФЎ), оҳакли-АС ҳамда бентоселитрасини ишлаб чиқариш бўйича муҳим илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида «юқори технологик қайта ишлаш тармоқларини, биринчи навбатда, маҳаллий хом-ашё ва йирик саноат чиқиндиларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш»га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган¹. Бу борада, калий хлориди, фосфогипс, аммоний нитрати ва сульфати асосида мураккаб ўғитлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони ва 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ 3983-сон «Ўзбекистон Республикаси кимё саноатини тезкор ривожлантириш бўйича чоралари тўғрисида» ги ҳамда 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265 сон «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармон

белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². АС ва ҳар хил ноорганик қўшимчалардан янги турдаги мураккаб ўғитлар олишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан International Fertilizer Development Center (АҚШ), University of Science and Technology (Хитой), Fertilizer Research Institute (Польша), University of Helsinki (Финляндия), Japan Fertilizer & Ammonia Producers Association, The Chemical Society of Japan (Япония) Canadian Fertilizer Institute (Канада) Ўғитлар ва инсектофунгицидлар илмий-тадқиқот институти ва Д.И.Менделеев номидаги Россия кимё-технология университети (Россия), Умумий ва ноорганик кимё институти ва Тошкент кимё технология институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Аммиакли селитрасининг концентрланган эритмаси ёки суюқланмасига ҳар хил ноорганик моддаларни қўшиш асосида мураккаб ўғитлар олишга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: АС суюқланмасига суперфосфор кислотаси асосида олинган N ва P₂O₅ таркибли суюқ комплекс ўғитини қўшиш орқали мураккаб ўғитлар олиш усули ишлаб чиқилган (Ўғитлар ва инсектофунгицидлар илмий-тадқиқот институти (Россия)); аммиакли селитра суюқланмаси, доломит ва бўр асосида оҳакли-АС олиш усули яратилган (Fertilizer Research Institute (Польша)); АС суюқланмасига 3 дан 5% гача P₂O₅ миқдорида фосфорит унини қўшиш йўли билан фосфатлаштирилган АС ишлаб чиқариш технологияси яратилган (Умумий ва ноорганик кимё институти (Ўзбекистон)); таркибида NH₄NO₃, KNO₃, KCl ва NH₄Cl тутган калий-аммиакли селитра ишлаб чиқариш технологияси ишлаб чиқилган (University of Helsinki, Финляндия)).

Дунёда АС ва ҳар хил ноорганик қўшимчалар асосида мураккаб ўғитлар олиш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан физик-кимёвий хоссалари яхшиланган АС олиш учун мос келадиган ноорганик қўшимчаларни топиш; АС ва танланган қўшимчалар асосида мураккаб ўғитлар олиш жараёнларининг мақбул шароитларини аниқлаш; тайёр маҳсулотларнинг кимёвий таркиби ва хоссаларини ўрганиш; мураккаб ўғитларни донадорлаш усулини ва анъанавий технологияларини ишлаб чиқиш.

² Диссертация мавзуси бўйича чет эл илмий тадқиқотлари тавсифи: <https://www.ifdc.usa>, <https://www.en.ustc.edu.cn/>, <https://www.ionx.uz>, https://www.researchgate.net/institution/Fertilizer_Research_Institute, <https://www.helsinki.fi/en>, <http://www.jaf.gr.jp/en.html>; <http://www.rootsforgrowth.com/global-initiatives/canadian-fertilizer-institute/index.html>, <http://www.niuf.ru/> ва бошқа ҳаволалар.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Илмий-техник адабиётларда ёпишқоқлиги бўлмаган ва термик барқарорлашган АС олиш технологияси бўйича ишлар кенг ёритилган. Кўрсатилган хоссаларни бартараф этишда кўплаб қўшимчалар таклиф қилинган. АСнинг ёпишқоқлиги намлик тортувчи, кристалланиш марказларини ҳосил қилувчи, майда кукунли ёпишувчи ва сувда эрийдиган ҳамда эримайдиган қўшимчаларни қўллаш орқали ечилмоқда. (Vincent J.Russo, Brown Marion L, Фридман С.Д., Абросимова А.М., Скум А.С., Клевке В.А., Миниович М.А., Олевский В.М., Стрижевский И.И.). Энг яхши қўшимча магнезит ҳисобланади. Кўп тоннажли АСнинг таннархини пасайтириш учун импорт магнезитни маҳаллий хом-ашёга алмаштириш мумкин.

АСнинг портловчилик хавфлилиги муаммоси унинг ёпишқоқлик муаммосидан жиддийдир. Энг кенг тарқалган оҳакли-АС селитра эритмаси ёки суюқланмасига доломит ёки бўрни қўшиш йўли билан ишлаб чиқарилади (Kołaczowski A., Biskupski A., Долгов В.В., Таран А.Л., Жмай Л.А.). Аммо, у фақат нордон тупроқлар учун самарали. Энг яхши натижалар эса фосфорли қўшимчалар қўлланилганда олинган. «Череповецкий азот» ОАЖда АС суюқланмасига суперфосфор кислотасидан олинган суюқ комплекс ўғитини қўшиш орқали портловчанлик хавфи бўлмаган АС ишлаб чиқариш ўзлаштирилган (Чернышев А.К., Левин Б.В., Туголуков А.В., Глаголев О.Л., Ильин В.А.). Суперфосфор кислотаси Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмайди шунингдек, унинг таннархи жуда қиммат.

«Navoiyazot» АЖда АС суюқланмасига Марказий Қизилқум фосфорит унини қўшиш йўли билан АФЎ олиш усули жорий этилган (Намазов Ш.С., Беглов Б.М., Реймов А.М., Курбаниязов Р.К.). Ҳудди шу ерда АС суюқланмаси ва маҳаллий оҳак асосида термик барқарорлашган АС олиш технологияси ҳам жорий қилинган (Намазов Ш.С., Жураев Н.Ё., Маматалиев А.А., Сейтназаров А.Р.). Яна шу корхонада маҳаллий бентонитни селитра суюқланмасига киритиш орқали ёпишқоқлиги бўлмаган ва термик барқарорлашган АС ишлаб чиқариш технологияси саноат синовларидан ўтказилган (Намазов Ш.С., Турдиалиев У.М., Сейтназаров А.Р., Беглов Б.М.).

Аммо, АС суюқланмаси, калий хлориди, фосфогипс ва аммоний сульфати асосида ёпишқоқлиги бўлмаган ва термик барқарорлашган АС олиш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича тизимли тадқиқотлар ҳеч ким томонидан ўтказилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Умумий ва ноорганик кимё институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ И12-ФА-Т020 «АС суюқланмаси, Марказий Қизилқум фосфоритлари, аммоний сульфати ва калий хлориди асосида янги турдаги мураккаб ўғитлар олишнинг мосланувчан технологиясини ишлаб чиқиш ва тажриба-саноат синовидан ўтказиш» мавзусидаги инновацион лойиҳаси ҳамда ЁА12-ФА-Т023 «Аммоний нитрати суюқланмаси ва калий хлориди асосида калийли-аммиакли селитра олиш

технологияси» мавзусидаги ёш олимлар амалий тадқиқотларининг илмий-техник лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади аммиакли селитра суюқланмаси, калий хлориди, фосфогипс ва аммоний сульфати асосида НК-, NKS- ва NS-ўғитлар олиш технологияларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

АС суюқланмаси ёки концентранган эритмаларига калий хлориди ва ФГни қўшиш йўли билан НК- ва NKS-ўғитлар олиш жараёнини тадқиқ этиш;

N : K₂O ҳар хил оғирлик нисбатларида АС билан KCl ни таъсирлашуви натижасида олинган калийли-нитратли суюқланмаларнинг (КНС) таркибидаги калий хлоридининг конверсияланиш даражасини ўрганиш;

аммоний нитрати суюқланмасига аммоний сульфатини қўшиш асосида NS-ўғитлар олиш жараёнини ўрганиш;

ҳароратга ва дастлабки компонентлар оғирлик нисбатларига боғлиқ равишда калийли-нитратли, калийли-гипсли-нитратли ва сульфатли-нитратли суюқланмаларнинг реологик хоссаларини ўрганиш;

ёпишқоқлиги бўлмаган АС ва термик барқарорлашган НК-, NKS- ва NS-ўғитлар доналарининг кимёвий таркиби ва физик-кимёвий хоссаларини (мустаҳкамлиги, ёпишқоқлиги, ғоваклиги, дизель ёқилғисини шимиши, модификацион ўтиш, термик турғунлиги, фаолланиш энергияси) аниқлаш;

лаборатория модел қурилмасида НК-, NKS- ва NS-ўғитлар олиш технологиясини апробация қилиш;

«Электрохимёзавод» ҚК-АЖда калий хлорид, фосфогипс ва аммоний сульфати қўшимчали НК-, NKS- ва NS-ўғитлар олиш бўйича ишлаб чиқилган технологияларни тажриба-саноат синовларидан ўтказиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида NH₄NO₃ суюқланмаси, калий хлориди, ФГ, аммоний сульфати, калийли-нитратли, калийли-гипсли-нитратли ва сульфатли-нитратли суюқланмалар, НК-, NKS- ва NS-ўғитлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети АС суюқланмаси ёки концентранган эритмасига калий хлоридини, калийли-нитратли суюқланмага фосфогипсни ва АС суюқланмасига аммоний сульфатини қўшиш сўнгра, суюқланмаларни сочиш ҳамда донадорловчи барабанда жадал аралаштириш усулларида ёпишқоқлиги бўлмаган ва термик барқарорлашган НК-, NKS- ва NS-ўғитлар олиш жараёнлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация тадқиқоти кимёвий, (аналитик кимё), физик-кимёвий (ацетонли экстракциялаш, рентгенографик, электрон-микроскопик, термик) таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

экстракцион фосфор кислотаси ишлаб чиқариши чиқиндиси бўлган фосфогипснинг физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш асосида уни селитрага модификатор сифатида қўллашга яроқлилиги исботланган;

ацетонли экстракциялаш усули ёрдамида калийли-нитратли суюқланмада калий хлоридининг конверсияланиш жараёни исботланган;

калий хлориди ва аммоний сульфат қўшимчаларини $N : K_2O = 1 : 0,5$ ва $NH_4NO_3 : (NH_4)_2SO_4 = 93 : 7$ оптимал нисбатда қўллаш магнетит қўшимчали АС доналарига нисбатан доналар мустаҳкамлигини 3-4,8 баробарга ошириши, ёпишқоқлигини эса 2-2,3 баробарга камайтириши аниқланган;

сульфат-нитрат аммоний суюқланмаси 185 дан 25°C гача совутилганда NH_4NO_3 III фазани четлаб ўтиши ва суюқланма $\rightarrow I$; $I \rightarrow II$; $II \rightarrow IV$ кетма-кетлигида модификацияга ўтиши аниқланган;

KCl, ФГ ва $(NH_4)_2SO_4$ қўшимчалари NH_4NO_3 нинг кристалл панжараларини зичлаштириши ҳисобига уни структура бузилиш ҳароратини 211 дан 263,1°C гача оширган ҳолда парчаланишига ингибитирловчи таъсири исботланган;

АС суюқланмаси, калий хлориди, фосфогипс ва аммоний сульфати асосида НК-, NKS- ва NS-ўғитлар олиш технологиялари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

АС суюқланмаси ёки концентранган эритмасига $N : K_2O = 1 : (0,5-1)$ оғирлик нисбатларида калий хлоридини қўшиш йўли билан физик-кимёвий ва товар хоссалари яхшиланган калийли-АС олиш технологияси ишлаб чиқилган;

АС суюқланмаси, KCl ва ФГ қўшимчаси асосида қониқарли истеъмолчилик хоссаларга эга бўлган NKS-ўғитлар олиш технологияси ишлаб чиқилган;

NH_4NO_3 суюқланмаси ва аммоний сульфати асосида юқори сифатли физик-кимёвий хусусиятларга эга бўлган ёпишқоқлиги бўлмаган ва сульфат-нитрат аммоний олиш технологияси яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Фойдаланилган кимёвий ва физик-кимёвий (рентгенографик, электрон-микроскопик ва термик) таҳлил натижалари лаборатория тажрибалари ва тажриба-саноат синовлари билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, АС суюқланмаси, калий хлориди, фосфогипс ва аммоний сульфати асосида НК-, NKS- ва NS-ўғитлар олиш, шунингдек, олинган янги турдаги ўғитлар таркибидаги АС доналарини ёпишқоқлигининг камайиши, мустаҳкамлиги ва дастлабки парчаланиш ҳароратининг ошиши селитранинг $II \rightarrow IV$ полиморф ўтиши барқарорлашиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти NH_4NO_3 суюқланмасига калий хлориди, фосфогипс ва аммоний сульфатини қўшиш кейинчалик, суюқланмаларни донадорлаш уларнинг реологик хоссаларига кўра сочиш ёки донадорловчи барабанда жадал аралаштириш усулида НК-, NKS- ва NS-ўғитлар олишнинг самарали технологияларини ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқилган янги турдаги маҳсулотларни олиш технологиялари селитра сифатини сезиларли даражада оширишга, экспортга мўлжалланган рақобатбардош маҳсулотлар ҳажмини ва ассортиментини кенгайтириши билан биргаликда уларнинг таннархини камайтиришига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Аммиакли селитраси суюқланмаси, калий хлориди, фосфогипс ва аммоний сульфати асосида НК-, NKS- ва NS-ўғитлар олиш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалари асосида:

Аммиакли селитра, калий хлориди ва фосфогипс қўшимчаси асосида NKS-ўғитлар олиш технологияси «Elektrokimyozavod» ҚК-АЖнинг «2021-2022 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган («Elektrokimyozavod» ҚК-АЖнинг 2021 йил 19 мартдаги 58-сон маълумотномаси). Натижада экстракцион фосфор кислота ишлаб чиқариши чиқиндисидан бўлган фосфогипсидан сувда эрувчан олтингургуртли НК-ўғитига айлантириш имконини берган.

Аммиакли селитра суюқланмаси ва калий хлориди асосида калийли-аммиакли селитра олиш технологияси «Elektrokimyozavod» ҚК-АЖнинг «2021-2022 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган («Elektrokimyozavod» ҚК-АЖнинг 2021 йил 19 мартдаги 58-сон маълумотномаси). Натижада яхши товар хоссаларга эга бўлган калийли-аммиакли селитра пахта ўсимлигида қўлланилганда унинг ҳосилдорлигини аммиакли селитра қўлланилгандагига нисбатан 1-3 центнерга ошириш имконини беради.

Сульфат-нитрат аммоний олиш технологияси «Elektrokimyozavod» ҚК-АЖнинг «2021-2022 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган («Elektrokimyozavod» ҚК-АЖнинг 2021 йил 19 мартдаги 58-сон маълумотномаси). Натижада ёпишқоқлиги бўлмаган ва термик барқарорлашган донадор NS-ўғит олиш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 7 та Халқаро ва 35 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 54 та илмий иш чоп этилган. Шундан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан 8 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 177 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, натижаларни амалиётга жорий

қилиш даражаси кўрсатилган, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг адабиётлар шарҳи ҳисобланган **«Калийли-аммиакли селитра ва сульфат-нитрат аммоний ўғитларининг олиниши, хоссалари ва қўлланилиши»** биринчи бобида АСнинг ёпишқоқлик ва портловчанлик хусусиятлари юқорилиги ҳамда уларни бартараф қилиш йўллари келтирилган. Селитранинг детонацион хоссасини камайтириш учун тавсия этилган қўшимчалардан карбонатли (оҳак, доломит, бўр), калийли (калий хлориди ва сульфати), аммоний катиони тутган моддалар (аммоний сульфати, орто- ва полифосфатлари), балластли моддалар (гипс, фосфогипс) ва бошқалари (фосфорит уни, бентонит,) кенг тарқалгандир. Оҳакли-АС АСнинг концентрланган эритмасига ёки суюқланмасига карбонатли бирикмаларни қўшиш йўли билан олинади. У фақат нордон тупроқлар учун юқори самарали, Ўзбекистон Республикасининг карбонатли тупроқлари учун умуман самарасиз. Илмий-техник адабиётлар маълумотларини таҳлил қилиш ва ҳар хил кондиционирловчи қўшимчаларнинг афзалликлари ва камчиликларини ўрганиш асосида истикболли қўшимча бўлган калий хлориди, аммоний сульфати ва фосфогипс танланди.

Диссертациянинг **«Аммиакли селитра суюқланмаси ва калий хлориди асосида калийли-аммиакли селитра олиш жараёнларини тадқиқ этиш»** иккинчи бобида NH_4NO_3 нинг 99,8 ва 96% ли суюқланмаларига калий хлоридини оғирлик нисбатлари 1 : 0,1 дан 1 : 1 гача оралиғида қўшиб олинган калийли-АСнинг таркиб ва хоссалари ўрганилган. KCl NH_4NO_3 суюқланмасига қўшишдан олдин 0,25 мм ўлчамгача майдаланди. Асосий компонент сифатида «тоза» марқадаги NH_4NO_3 қўлланилди. Солиштириш учун доналаштирилган NH_4NO_3 ва саноат маҳсулоти 34,6% N ва 0,28% MgO тутган магнетитли АС танланди.

АСнинг 99,8% ли суюқланмасини тайёрлаш учун унинг доналари 12X18Н10Т маркали зангламайдиган пўлатдан ясалган металл стаканга солинди ва 170°C да суюқлантирилди. 96% ли АС суюқланмасини тайёрлаш учун ўлчанган селитра намуналарига АС оғирлигидан келиб чиқиб 4% гача дистилланган сув қўшилди ва 160°C да 3-4 дақиқа ушлаб турилди. Калийли-АС намуналарини олиш учун NH_4NO_3 суюқланмасига майдаланган KCl қўшилди. Олинган суюқланмалар 99,8% ва 96% ли селитранинг суюқланмаларига мос равишда 170 ва 160°C ҳароратда 20 дақиқа давомида аралаштириб турилди. Сўнгра, суюқланмалар чинни ҳовончага қуюлди ва жадал аралаштириш орқали совутилди. Ўғит намуналари майдаланди ва стандарт усуллар бўйича таҳлил қилинди (1-жадвал).

1-жадвалдан кўринмоқдаки, 99,8% ли АС суюқланмасига KCl ни 6,17 дан 61,7% гача стехиометрик нормада қўшиб олинган маҳсулотда $N_{\text{умум}}$ миқдори 32,6 дан 21,9% гача камаяди, K_2O миқдори 3,26 дан 21,89% гача ошади. Озуқа компонентлари йиғиндиси (N + K_2O) 35,86-43,79% оралиғида бўлади.

96% ли АС суюқланмаси қўлланилганда ҳам маҳсулот таркиби деярли ўзгармайди.

АС суюқланмаси ва калий хлориди асосида олинган калийли-аммиакли селитрасининг таркиби

N : K ₂ O	KCl стехиометрик нормаси, %	Компонентлар миқдори, %	
		N	K ₂ O
99,8% ли АС суюқланмаси + KCl			
1 : 0,1	6,17	32,60	3,26
1 : 0,5	30,8	26,80	13,40
1 : 0,7	43,2	24,60	17,22
1 : 1,0	61,7	21,90	21,89
96% ли АС суюқланмаси + KCl			
1 : 0,1	6,17	32,54	3,25
1 : 0,5	30,8	26,77	13,35
1 : 0,7	43,2	24,61	17,20
1 : 1,0	61,7	21,89	21,91

Шуни таъкидлаш лозимки, АС суюқланмаси билан KCl таъсирлашувида қайсидир даражада алмашилиш реакцияси кетади:



Агарда, бошланғич моддаларнинг таъсирлашуви натижасида калийли-АС таркибида қанчалик кўп миқдорда KNO₃ ҳосил бўлса, маҳсулотнинг истеъмолчилиги ҳам шунчалик юқори бўлади.

Шунинг учун ацетонли экстракциялаш усули ёрдамида 99,8% ли АС суюқланмаси билан KCl нинг 5 дан 30 дақиқагача таъсирлашувида олинган калийли-АСнинг тузли таркиби ва KCl нинг KNO₃ га конверсияланиш даражаси аниқлади.

Натижалар 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвалдан кўринадики, АС суюқланмаси билан KCl нинг таъсирлашув вақти қанчалик кўп бўлса, маҳсулотда KNO₃ нинг миқдори ва KCl нинг конверсияланиш даражаси шунчалик юқори бўлади. Мисол учун, N : K₂O = 1 : 0,5 оғирлик нисбатида ва 5 дақиқа давомидаги таъсирлашувида олинган маҳсулот таркибида 66,11% NH₄NO₃; 11,55% KCl; 14,61% KNO₃ ва 7,73% NH₄Cl тутди ва KCl нинг конверсияланиш даражаси 48,26% ни ташкил этади.

N : K₂O нинг худди шу нисбатида ва дастлабки компонентларнинг 30 дақиқа таъсирлашувидан олинган маҳсулот таркибида 56,18% NH₄NO₃; 2,29% KCl; 27,16% KNO₃; 14,37% NH₄Cl мавжуд ва KCl нинг конверсияланиш даражаси 89,75%.

Дастлабки компонентларнинг оптимал таъсирлашув вақти 20 дақиқа деб ҳисобланди.

Вақтнинг янада ошиши эса маҳсулот сифатини сезиларли даражада ўзгаришига олиб келмади.

Калийли-АСнинг физик-кимёвий ва товар хоссалари ўрганилди.

Тажирибалар маълумотлари кўрсатдики, АС суюқланмасига KCl қўшилиши доналарнинг мустақамлигини кескин оширади ҳамда ёпишқоқлиги, ғоваклиги ва дизель ёқилғисини шимишини камайтиради.

АС суюқланмаси ва КСІ асосида олинган калийли-АСнинг вақтга боғлиқ равишда тузли таркиби ва КСІ конверсияланиш даражаси

N : K ₂ O	Ўғитларнинг тузли таркиби, %				Реакцияга киришган NH ₄ NO ₃ микдори, %	КСІ конверсияланиш даражаси, %
	NH ₄ NO ₃	NH ₄ Cl	KNO ₃	КСІ		
NH₄NO₃ нинг КСІ билан таъсирлашув вақти 5 дақиқа						
1 : 0,1	90,48	2,73	5,16	1,63	4,32	70,06
1 : 0,3	77,04	5,52	10,42	7,02	9,67	52,27
1 : 0,5	66,11	7,73	14,61	11,55	14,88	48,26
1 : 0,7	57,78	9,05	17,08	16,09	18,96	43,93
1 : 1,0	48,20	10,22	19,33	22,25	24,09	39,07
NH₄NO₃ нинг КСІ билан таъсирлашув вақти 10 дақиқа						
1 : 0,1	90,01	3,04	5,75	1,20	4,81	78,0
1 : 0,3	75,36	6,64	12,55	5,45	11,64	62,92
1 : 0,5	64,19	9,01	17,04	9,76	17,36	56,31
1 : 0,7	55,51	10,56	19,96	13,97	22,15	51,32
1 : 1,0	46,08	11,65	22,0	20,27	27,42	44,47
NH₄NO₃ нинг КСІ билан таъсирлашув вақти 20 дақиқа						
1 : 0,1	89,0	3,72	7,02	0,26	5,88	95,32
1 : 0,3	70,92	9,61	18,15	1,32	16,84	91,20
1 : 0,5	59,83	11,93	22,54	5,70	22,96	74,41
1 : 0,7	51,79	13,05	24,66	10,50	27,37	63,42
1 : 1,0	42,83	13,82	26,12	17,23	32,55	52,78
NH₄NO₃ нинг КСІ билан таъсирлашув вақти 30 дақиқа						
1 : 0,1	88,88	3,80	7,18	0,14	6,01	97,46
1 : 0,3	70,46	9,92	18,74	0,88	17,39	94,01
1 : 0,5	56,18	14,37	27,16	2,29	27,67	89,75
1 : 0,7	49,10	14,84	28,06	8,0	31,14	72,14
1 : 1,0	37,44	17,42	32,92	12,22	41,03	66,54

N : K₂O = 1 : (0,1-1) оғирлик нисбатида ва АС суюқланмаси билан КСІ нинг 5 дақиқа давомидоги таъсирлашувидан олинган ўғитларнинг мустаҳкамлиги 3,48-6,94 МПа оралиғида бўлади.

Калийли-АС суюқланмасини 30 дақиқа ушлаб турилганда бу кўрсаткичлар 4,52-8,76 МПа ни ташкил этади. «Тоза» маркали NH₄NO₃ ва магнетит (0,28% MgO) қўшимчали АС доналари мустаҳкамлиги эса мос равишда 1,32 ва 1,58 МПа.

N : K₂O = 1 : (0,1-1) нисбатларида калийли-АС намуналарининг ёпишқоқлиги 3,54-2,48 кг/см² ташкил этади, бу тоза (5,62 кг/см²) ва магнетит қўшимчали селитрага (4,67 кг/см²) нисбатан мос равишда 1,6-2,3 ва 1,32-1,88 баробарга пастдир.

АСнинг портловчилик хоссасини тавсифловчи кўрсаткичлардан бири доналарнинг ғоваклиги ва суюқ ёқилғини адсорбция қилиш қобилияти ҳисобланади. Тоза NH₄NO₃ ва магнетит қўшимчали АС доналарининг ғоваклиги ва ёқилғини шимиши мос равишда 22,0; 9,10% ва 4,82; 4,33г ни ташкил этади. АС суюқланмасига N : K₂O = 1 : (0,1-1) оғирлик нисбатларида калий хлоридини қўшиш доналар ғоваклигини ва суюқ ёқилғини шимишини

мос равишда 8,67 дан 5,42% гача ва 3,76 дан 1,84г гача камайтиришга ёрдам беради. Доналар мустаҳкамлиги қанча юқори бўлса, уларнинг ғоваклиги ва ички солиштирма юзаси шунча кам, доналар эса дизель ёқилғисини шунча кам шимади, натижада калийли-АСнинг детонацион қобиляти шунчалик даражада камаяди.


Аниқландики, калийли-АС доналари магnezит кўшимчали АСга нисбатан сезиларли даражада секин эрийди (2-4 баробар). Демак, селитрада KCl , KNO_3 ва NH_4NO_3 иштироки доналардан азотнинг аста-секин ажралиб чиқишини таъминлайди. Кейинчалик, $20 \leq 60^\circ C$ ҳарорат ўзгаришида доналар сферик шаклининг термик барқарорлиги ўрганилди. Кўрсатдики, АС суюқланмасига $N : K_2O = 1 : 0,1$ нисбатида KCl кўшиб олинган ўғит намуналар доналари 100 та циклдан сўнг 26% синган бўлса, $N : K_2O = 1 : 1$ нисбатида ўғит доналарининг 18% синади. Тоза NH_4NO_3 ва магnezит кўшимчали АС доналари мос равишда 90 ва 100 циклдан сўнг тўлиқ синади. Аниқландики, АС суюқланмасида KCl қанча кўп бўлса, калийли-АС доналари термик бардошлилиги шунча юқори бўлади.

Электрон-микроскопик тадқиқот натижалари кўрсатдики, KCl кўшимчаси кристалланиш марказларини ҳосил қилган ҳолда NH_4NO_3 нинг кристаллари ўлчамларини кичрайтиради. Бунда, KCl ғовакчалар ва микроёриқларни тўлдирган ҳолда, АС доналарининг анча такомиллашган ички тузилиш ва юзасини ҳосил қилади. Ушбу фактлар ҳам АС доналар мустаҳкамлиги ортиши, ёпишқоқлиги, ғоваклиги камайиши ва дизель ёқилғисини кам шимиши сабабларини тушунтиради.

Netzsch Simultaneous Analyzer STA 409 PG (Германия и/ч) жиҳозида дастлабки парчаланиш ҳарорати ва фаолланиш энергияси аниқланди. Кўрсатдики, тоза NH_4NO_3 ва $N : K_2O = 1 : 0,1; 1 : 0,3; 1 : 0,5$ ва $1 : 1$ нисбатида олинган калийли-АС намуналарининг дастлабки парчаланиш ҳарорати мос равишда 210; 231,7; 245,3; 251,2 ва $262,5^\circ C$ ни ташкил этади. «Тоза» маркали NH_4NO_3 ва НК-ўғит намуналарининг фаолланиш энергияси эса мос равишда -915,1; -525,0; -348,8; -245,7 ва -182,6 Дж/гр га тенг. Шундан маълум бўладики, KCl , KNO_3 ва NH_4NO_3 тутган калийли-АСни термик парчалош учун тоза NH_4NO_3 ни парчалошга нисбатан юқори ҳарорат ва кўп энергия талаб этилади. Бунинг барчаси, KCl , KNO_3 ва NH_4Cl АСни детонацияланиш қобилятини камайтиришидан далолат беради. Бу эса уни ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалигида қўллашда хавфсизлигини оширишга имкон беради.

Ўрганилган $165-185^\circ C$ ҳарорат оралиқларида КНСни реологик хоссалари: зичлик ва қовушқоқлик қийматлари $1,468-1,654 \text{ кг/см}^2$ ва 5,44-21,22 сПз оралиғида бўлади. Суюқланмалар етарлича оқувчанликка эга ва уларни жадал аралаштириш усулида донаторловчи барабанда технологик қийинчиликларсиз донаторлаш мумкин.

Кенгайтирилган лаборатория модел ҳамда «Elektrokimyozavod» ҚК-АЖ тажриба қурилмаларида калийли-АС олиш технологияси синовдан ўтказилди, жараённинг асосий технологик кўрсаткичлари ишлаб чиқилди ва азот-калийли ўғитининг 2 тонна ҳажмдаги тажриба партияси ишлаб чиқарилди ҳамда ишлаб чиқаришнинг моддий баланси тузилди (1-расм).



1-расм. Калийли-аммиакли селитра ишлаб чиқаришнинг блок-тизими.

Диссертациянинг «Аммиакли селитрасининг концентрланган эритмалари ва калий хлориди асосида калийли-аммиакли селитра олиш жараёнларини тадқиқ этиш» деб номланган учинчи бобида АСнинг концентрланган (92, 85, 80 ва 70%) эритмаларига $N : K_2O = 1 : (0,3-1,6)$ оғирлик нисбатларида КСl қўшиш йўли билан калийли-АС олишнинг жараёнлари ўрганилган. Юқорида кўрсатилган концентрланган эритмаларни тайёрлаш учун тоза NH_4NO_3 миқдorigа нисбатан мос равишда 8, 15, 20 ва 30% дистилланган сув қўшилади. АС доналарини сувда эритиш $100^\circ C$ ҳароратда шиша аралаштиргич билан жиҳозланган металл стаканда амалга оширилди. Бир хил аралашмали суюқланма олиш учун тайёрланган эритмаларга $N : K_2O$ маълум нисбатида КСl қўшилди.

Дастлабки моддаларнинг таъсирлашув давомийлиги 20 дақиқани ташкил этади. Кейинчалик, реакцион масса чинни ҳовончага ўтказилди ва жадал аралаштириш йўли билан донадорланди. Маҳсулот қуритгич печида қуритилди.

3-жадвалда ўғитларнинг таркиби келтирилган. Ундан кўриндики, АСнинг 92% ли эритмаси қўлланилганда ва $N : K_2O = 1 : 0,3$ дан $1 : 1,6$ гача оғирлик нисбатида ўғитлар намуналари азотининг миқдори 29,41 дан 17,97% гача камайган бўлса, калийнинг миқдори 8,83 дан 28,72% гача ортиб боради.

АС эритмаларининг концентрацияси ўғитнинг таркибига деярли таъсир қилмайди.

Кўрсатдики, АС эритмаси ва КСl аралашмасида селитранинг масса улуши қанчалик юқори бўлса у ҳолда калий хлоридининг конверсияланиш даражаси ҳам шунчалик юқори бўлади. Мисол учун, калийли-АС олишда АСнинг 92% ли эритмаси қўлланилганда ва $N : K_2O = 1 : 1; 1 : 0,7; 1 : 0,3$ нисбатида КСl нинг конверсияланиш даражаси мос равишда 61,58; 72,06 ва 93% ни ташкил этади.


АС нинг концентрланган эритмалари ва КСl асосида олинган калийли-аммиакли селитраси намуналарининг таркиби

N : K ₂ O	Компонентлар миқдори, %		Ўғит таркибидаги тузларнинг тўлик таркиби, оғирлик. %				КСl конвер- сияланиш даражаси, %	Доналар мустаҳкамлиги, МПа
	N	K ₂ O	NH ₄ NO ₃	NH ₄ Cl	KNO ₃	КСl		
92% ли аммиакли селитра эритмаси + калий хлорид								
1 : 0,3	29,41	8,83	70,61	9,81	18,55	1,03	93,0	7,08
1 : 0,5	26,82	13,42	57,72	13,34	25,21	3,73	83,30	7,57
1 : 0,7	24,61	17,21	49,12	14,83	28,03	8,02	72,06	8,0
1 : 1,0	21,87	21,94	39,38	16,12	30,47	14,03	61,58	8,42
1 : 1,4	19,11	26,73	32,63	15,23	28,78	23,36	47,61	9,25
1 : 1,6	17,97	28,72	28,62	15,69	29,65	26,04	45,65	9,41
85% ли аммиакли селитра эритмаси + калий хлорид								
1 : 0,3	29,39	8,81	70,56	9,85	18,61	0,98	93,33	7,11
1 : 0,5	26,78	13,39	57,61	13,41	25,35	3,63	83,76	7,59
1 : 0,7	24,62	17,20	48,11	15,51	29,31	7,07	75,35	8,04
1 : 1,0	21,85	21,92	39,33	16,16	30,54	13,97	61,73	8,46
1 : 1,4	19,09	26,75	31,09	16,26	30,72	21,93	50,82	9,27
1 : 1,6	17,95	28,74	27,10	16,71	31,58	24,61	48,63	9,45
80% ли аммиакли селитра эритмаси + калий хлорид								
1 : 0,3	29,37	8,80	70,37	9,97	18,85	0,81	94,52	7,17
1 : 0,5	26,79	13,41	57,26	13,65	25,79	3,30	85,22	7,61
1 : 0,7	24,60	17,22	47,58	15,86	29,98	6,58	77,08	8,08
1 : 1,0	21,86	21,91	38,74	16,55	31,28	13,43	63,22	8,52
1 : 1,4	19,10	26,72	30,58	16,60	31,36	21,46	51,89	9,33
1 : 1,6	17,98	28,73	24,58	18,39	34,75	22,28	53,52	9,48
70% ли аммиакли селитра эритмаси + калий хлорид								
1 : 0,3	29,38	8,82	70,24	10,06	19,02	0,68	95,39	7,21
1 : 0,5	26,77	13,38	57,02	13,81	26,10	3,07	86,24	7,65
1 : 0,7	24,59	17,19	47,26	16,08	30,39	6,27	78,12	8,12
1 : 1,0	21,88	21,89	38,78	16,52	31,23	13,47	63,11	8,58
1 : 1,4	19,07	26,73	30,32	16,77	31,70	21,21	52,44	9,40
1 : 1,6	17,96	28,71	22,77	19,60	37,05	20,58	57,05	9,53

КСl конверсияланишининг энг юқори даражаси АСнинг 70% ли эритмаси қўлланилганда кузатилди. N : K₂O нинг юқорида кўрсатилган нисбатида конверсияланиш мос равишда 63,11; 78,12 ва 95,39% ни ташкил этади.

N : K₂O нисбатига боғлиқ равишда НК-ўғитининг тузли таркиблари (NH₄NO₃, KNO₃, NH₄Cl, КСl) аниқланди. Уларни олиниш шароитига боғлиқ равишда НК-ўғитлар доналарининг мустаҳкамлиги 7,08-9,53 МПа оралиғида ўзгаради.

АСнинг 92 ва 70% ли эритмалари ва КСl нинг N : K₂O = 1 : (0,3-1,6) оғирлик нисбатларида олинган НК-ўғитлар доналарининг ёпишқоқлиги, ғоваклиги ва дизель ёқилғисини шимиши мос равишда 1,97-3,28 кг/см²; 4,21-7,52%; 1,32-3,11 г ва 1,81-3,23 кг/см²; 4,09-7,38% ва 1,18-2,94 г оралиғида ўзгаради.



2-расм. АСнинг концентранган эритмалари ва калий хлориди асосида олинган НК-ўғитлар доналарининг эриш тезлиги.

2-расмдан кўринмоқдаки, АСнинг концентрацияси эритмалари ва N : K₂O нисбатига боғлиқ равишда калийли-АС доналарининг сувда тўлик эриш тезлиги 93,1 дан 192,3 дақиқани ташкил этади, бу магнезит кўшилган АСга (46,8 дақиқа) нисбатан сувда 2-4,11 баробарга секин эрийди.

80-120°C оралиғида КНСнинг реологик хоссалари ўрганилди. Кўрсатдики, АС концентрацияси эритмаларига ва N : K₂O нисбатига боғлиқ равишда 100-110°C оралиғида зичлик ва қовушқоқлик 1,275-1,537 г/см³ ва 1,19-5,48 сПз оралиғида бўлади. КНСнинг ўрганилган реологик хоссалари натижаларига кўра уларни донадорлашни донадорловчи-баранда амалга ошириш тавсия этилади.

Диссертациянинг «Фосфогипс қўшимчали калийли-аммиакли селитра олиш жараёнларини тадқиқ этиш» деб номланган тўртинчи бобида АС суюқланмасига N : K₂O оғирлик нисбати 1 : (0,1-1,0) оралиғида КС1 киритиб ҳосил бўлган КНСга унинг умумий оғирлигига нисбатан 5, 10 ва 15% миқдорида ФГ қўшиб олинган калийли-АС намуналарининг таркиб ва хоссалари ўрганилган. 175°C да КНС билан ФГнинг таъсирлашув вақти 10-15 дақиқани ташкил этади. КНСни реологик хоссаларига боғлиқ равишда донадорлаш жараёни икки хил усулда амалга оширилди. АС суюқланмасига N : K₂O = 1 : 0,1 дан 1 : 0,5 гача оғирлик нисбатида КС1 ва 5-15% ФГ қўшиб олинган суюқланмалар сочиш усулида донадорланган бўлса, қўшилган ФГ миқдоридан қатъий назар N : K₂O = 1 : 0,6 дан 1 : 1 гача нисбат оралиғида олинган КНС юқори қовушқоқликка эга бўлади. Шунинг учун уларни донадорлаш жараёни жадал аралаштириш усулида амалга

оширилади. Олинган маҳсулотлар намуналари совутилди, майдаланди таркиби ва NH_4NO_3 нинг конверсияланиш даражаси аниқланди.

Натижалар 4-жадвалда келтирилган.


4-жадвал

АС суюқланмаси, КСІ ва ФГ қўшимчаси асосида олинган калийли-АС намуналарининг таркиби ва NH_4NO_3 нинг конверсияланиш даражаси

N : K ₂ O	Аралашмада фосфогипснинг миқдори, %	Компонентлар миқдори, %				NH ₄ NO ₃ нинг конверсияланиш даражаси, %
		N	K ₂ O	S	SO ₃	
1 : 0,1	5	29,30	3,10	1,032	2,58	10,40
1 : 0,1	10	28,87	2,90	2,152	5,38	12,06
1 : 0,1	15	27,47	2,80	3,216	8,04	13,98
1 : 0,3	5	27,87	8,40	1,06	2,65	18,17
1 : 0,3	10	26,53	7,90	2,144	5,36	20,81
1 : 0,3	15	24,94	7,50	3,208	8,02	22,34
1 : 0,5	5	25,42	12,70	1,032	2,58	28,52
1 : 0,5	10	24,15	12,10	2,232	5,58	29,93
1 : 0,5	15	22,69	11,40	3,252	8,13	32,01
1 : 0,7	5	23,22	16,15	0,996	2,49	35,54
1 : 0,7	10	22,03	15,42	2,144	5,36	36,71
1 : 0,7	15	20,87	14,51	3,188	7,97	37,90
1 : 1,0	5	19,79	19,78	1,012	2,53	42,57
1 : 1,0	10	19,45	19,43	2,084	5,21	44,15
1 : 1,0	15	18,32	18,31	3,248	8,12	45,92

Ундан аниқландики, КНГС аралашмасида аммоний нитрати масса улуши қанча кўп бўлса, маҳсулотда азот миқдори шунча юқори, КСІ ва ФГ масса улушлари қанча кўп бўлса, ўғитда азот миқдори шунча кам, калий ва олтингугуртнинг миқдорлари эса шунча юқори бўлади. Мисол учун, N : K₂O = 1 : 0,1 нисбатида ва 5% ФГ қўшиб олинган маҳсулотда азот миқдори 29,3%, N : K₂O = 1 : 1 нисбатида ва 15% ФГ қўшиб олинган маҳсулотда эса 18,32% ни ташкил этади. Худди шу ўғитларнинг таркибидаги калий ва олтингугурт миқдорлари мос равишда 3,1 дан 18,31% гача ва 1,03 дан 3,25% гача ортиб боради. N : K₂O = 1 : 0,1 нисбатида ва 5% ФГ қўшиб олинган маҳсулотда NH_4NO_3 нинг коверсияланиш даражаси 10,4% га тенг бўлса, худди шу нисбатда ва 15% ФГ қўшиб олинган ўғитда NH_4NO_3 нинг конверсияланиш даражаси 13,98% гача ортиб боради. 5 ва 15% ФГ қўшимчали N : K₂O = 1 : 1 нисбатида бу кўрсаткичлар мос равишда 42,57 ва 45,92% ни ташкил этади.

Кўрсатдики, КСІ ва ФГнинг масса улуши ортиб бориши доналар мустаҳкамлигини сезиларли даражада ўсишига олиб келади. N : K₂O = 1 : (0,1-1) нисбатларида ва 5-15% ФГ қўшиб олинган ўғит доналарининг мустаҳкамлиги 4,37-9,74 МПа оралиғида бўлади (3-расм а). N : K₂O ва ФГ қўшимчасининг худди шу нисбатларида доналарнинг ёпишқоқлиги (3-расм б), ғоваклиги (3-расм в) ва дизель ёқилғисини шимиши (3-расм з) мос равишда 3,20-1,73 кг/см²; 7,25-4,54% ва 2,84-1,16г ни ташкил этади. Демак, гипс қўшимчасиз калий тутган селитрага нисбатан ҳам ФГ қўшимчали калийли-АС яхши товар хоссаларга эга бўлади.



3-расм. NKS-ўғитлар доналарининг мустахамлиги (а), ёпишқоклиги (б), ғоваклиги (в) ва дизель ёқилғисини шими (г) ўзгаришининг N : K₂O nisbatiga va ФГ кўшимчасининг миқдорига боғлиқлиги.

XRD-6100 (Shimadzu) жиҳозида ФГ кўшимчали калийли-АС намуналарининг рентгенографик тадқиқотлари ўтказилди. Унга кўра, тоза NH₄NO₃ (2,26; 2,73; 3,08; 3,96; 4,95 Å), “Дехқонобод калий заводи”да ишлаб чиқарилган KCl (3,13; 2,21; 1,81; 1,401 Å) ва “Аммифос-Максам” АЖ ЭФК ишлаб чиқариши чиқиндиси бўлган фосфогипсга (2,47; 3,07; 4,29; 7,69 Å) тегишли бўлган рентгенографик интенсив чўққилар билан биргаликда KNO₃, NH₄Cl, (NH₄)₂SO₄, K₂SO₄, Ca(NO₃)₂ ва CaCl₂ нинг ҳам мос равишда 3,77; 3,08; 2,66; 2,19 Å, 1,033; 1,221; 1,57; 1,72; 2,72; 3,85 Å, 2,998; 3,89; 4,33; 4,39; 5,22; 5,31 Å, 1,44; 1,88; 2,08; 2,41; 2,88; 3,0; 4,19 Å, 3,39; 3,40; 5,20; 5,21 Å ва 1,78; 1,89; 2,19; 2,29; 3,09; 4,39 Å интенсив чўққилари кузатилди. Ушбу фактлар ҳам АС суюқланмаси билан KCl ва ФГнинг таъсирлашуви натижасида NH₄NO₃ нинг қанчалик даражада конверсияланиш жараёнини тасдиқлайди.

Термик тадқиқотлар натижалари кўрсатдики, агар тоза NH₄NO₃ нинг бошланғич парчаланиш ҳарорати ва фаолланиш энергияси 211°C ва -915

Дж/г ни ташкил этса, $N : K_2O$ нисбати ва ФГ қўшимчасининг миқдорига боғлиқ равишда калийли-АС намуналарида бу кўрсаткичлар $230,5-247,2^\circ C$ ва $-357,1 \div -172,8$ Дж/г оралиғида бўлади. КСІ ва ФГ НК-ўғитининг иссиқликка бардошлилигини сезиларли даражада оширади.

$N : K_2O$ нисбати ва ФГнинг миқдорига боғлиқ равишда калийли-АС намуналари доналарининг 80, 90 ва 100 циклдан ($20 \leftrightarrow 60^\circ C$) сўнг 3-12; 6-17 ва 13-23% синади. Кўрсатдики, АС суюқланмаси КСІ ва ФГдан иборат аралашмада калий хлоридининг масса улуши қанчалик кўпайиб борса, синган доналарнинг миқдори шунчалик камайиб боради. $N : K_2O = 1 : 0,1$; $1 : 0,5$ ва $1 : 1$ нисбатида 5 ва 15% ФГ қўшиш йўли билан олинган ўғит доналари бутунлигини 60 циклгача тўлиқ, 100 термоциклдан сўнг мос равишда бузилган 17-19 ва 13-16 % га нисбатан бутунлигини 81-83 ва 84-87% гача сақлаб қолади. Ушбу маълумотлардан ҳам аниқландики, АС суюқланмасида КСІ ва ФГнинг миқдорлари қанчалик кўп бўлса, олинган ўғит доналарининг термик бардошлилиги ҳам шунчалик юқори бўлади.

$165-185^\circ C$ ҳарорат оралиғида КНСнинг реологик хоссалари тадқиқ этилди. $N : K_2O = 1 : (0,1-0,5)$ нисбатларида ва 5-15% ФГ қўшиб олинган суюқланмаларнинг зичлик ва қовушқоқликлари мос равишда $1,529-2,256$ кг/см³ ва $6,05-24,64$ сПз оралиғида бўлади. Суюқланмалар етарлича оқувчанликка эга ва уларни донадорлаш жараёнини саноат донадорловчи минорасида технологик қийинчиликларсиз донадорлаш мумкин.

$N : K_2O = 1 : (0,6-1,0)$ нисбатларида ва 5-15% ФГ қўшиб олинган суюқланмалар эса юқори қовушқоқликка эга. Шунинг учун уларни жадал аралаштириш усулида донадорловчи-барабанда донадорлаш тавсия этилади.


Лаборатория модел қурилмасида АС суюқланмаси, калий хлориди ва ФГ асосида калийли-АС олиш технологияси синовдан ўтказилди ва асосий технологик параметрлари ўрнатилди.

НК-ўғит ишлаб чиқаришнинг моддий баланси тузилди.

АС суюқланмаси, КСІ ва ФГ қўшимчаси асосида калийли-АС ишлаб чиқаришнинг принципиал технологик тизими ишлаб чиқилди (4-расм).

Технологик тизим бўйича АС суюқланмаси сифимли бак (1) дан ботирма насос (2) ёрдамида реактор-аралаштиргич (3) га узатилади. Бир вақтнинг ўзида калий хлориди бункер (4) дан микродозатор (5) орқали реактор-аралаштиргич (3) га келиб тушади. Реактор-аралаштиргичда АС суюқланмаси билан калий хлориди 10 дақиқа давомида яхшилаб аралаштирилади. Олинган КНС шнекли гранулятор (6) га берилади. Бир вақтнинг ўзида ФГ ҳам бункер (7) дан микродозатор (5) орқали шнекли грануляторга (6) келиб тушади. Шнекли грануляторда маҳсулотнинг дастлабки доналари ҳосил бўла бошлайди. Сўнгра, донадорловчи барабан (8) га узатилади ва жадал аралаштириш усулида маҳсулот тўлиқ донадорланади. Дондорланган ўғитлар классификатор (9) га келиб тушади ва у ерда фракцияларга ажратилади. 1-4 мм ўлчамдаги доналар қадоқлашга юборилади.

Чиқинди чанглар дастлаб циклон (12) га ва у ердан обсорбцияга юборилади.



4-расм. Фосфогипс қўшимчали калийли-аммиакли селитра олишнинг принципиал технологик тизими.

1 - АС суюқланмаси учун сизимли бак; 2 - ботирма (погружной) насос 3 - реактор-аралаштиргич; 4 - KCl учун бункер; 5 - шнекли дозатор; 6 - шнекли гранулятор; 7 - ФГ учун бункер; 8 - донаторловчи барабан; 9 - классификатор; 10 - майдалагич; 11 - қайноқ қатламли совутгич; 12- циклон.

Калийли-АС ишлаб чиқариш технологияси «Elektrokimyozavod» ҚК АЖ тажриба қурилмасида $N : K_2O = 1 : 0,5$ нисбати ва 5% ФГ қўшимчали ўғитдан 1,5 тонна ишлаб чиқарилди.

Диссертациянинг «Аммиакли селитра суюқланмаси ва аммоний сульфати асосида ёпишқоқлиги бўлмаган АС ҳамда сульфат-нитрат аммоний олиш жараёнларини тадқиқ этиш» номли бешинчи бобида АС суюқланмасига 97 : 3 дан 60 : 40 гача оғирлик нисбатларида $(NH_4)_2SO_4$ қўшиб олинган азотолтингугуртли ўғитларнинг тажрибалар натижалари келтирилган. Лаборатория тажрибалари қуйидагича олиб борилди. «Тоза» маркали АСнинг ўлчанган миқдори металл стаканга солинди ва $170^\circ C$ да суюқлантирилди. Сўнгра, суюқланмага майдаланган аммоний сульфати қўшилди. Аралашма 3-5 дақиқа давомида аралаштириб турилди. Зичлик ва қовушқоқлигидан келиб чиқиб $NH_4NO_3 : (NH_4)_2SO_4 = 97 : 3$ дан 86 : 14 гача оғирлик нисбатларида олинган оқувчан суюқланмалар сочиш усулида, $NH_4NO_3 : (NH_4)_2SO_4 = 83 : 17$ дан 60 : 40 гача нисбатларда олинган суюқланмалар эса жадал аралаштириш усулида донаторланди.

NS-ўғитлар намуналарининг таркиблари 5-жадвалда келтирилган.

АС суюқланмаси ва $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ асосида олинган ёпишқоқлиги бўлмаган АС ва сульфат-нитрат аммоний ўғитлари намуналарининг таркиби

Дастлабки компонентлар оғирлик нисбати	Компонентлар миқдори, %			
	$N_{\text{умум.}}$	$N_{\text{аммон.}}$	$N_{\text{нитр.}}$	S
NH_4NO_3 «тоза»	35,0	17,50	17,50	–
0,28% MgO қўшилган АС	34,5	17,25	17,25	–
Ёпишқоқлиги бўлмаган АС – $\text{NH}_4\text{NO}_3 : (\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ оғирлик нисбати				
97 : 3,0	34,53	17,57	16,96	0,70
95 : 5,0	34,28	17,66	16,62	1,16
93 : 7,0	34,0	17,73	16,27	1,64
90 : 10	33,50	17,80	15,70	2,38
86 : 14	33,02	18,02	15,0	3,35
Сульфат-нитрат аммоний – $\text{NH}_4\text{NO}_3 : (\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ оғирлик нисбати				
83 : 17	32,54	18,13	14,41	4,03
80 : 20	32,12	18,17	13,95	4,76
75 : 25	31,47	18,37	13,10	6,0
70 : 30	30,71	18,48	12,23	7,14
65 : 35	30,05	18,69	11,36	8,40
60 : 40	29,26	18,85	10,41	9,59

Ундан кўринмоқдаки, $\text{NH}_4\text{NO}_3 : (\text{NH}_4)_2\text{SO}_4 = 97 : 3$ дан $86 : 14$ гача нисбатида олинган азот-олтингугуртли ўғитлар намуналарида азот ва олтингугурт миқдорлари мос равишда 33,02-34,53% ва 0,7-3,35% оралиғида ўзгаради. Сульфат-нитрат аммоний таркибида азот ва олтингугурт миқдорлари мос равишда 29,26 дан 32,54% гача ва 4,03 дан 9,59% гача ўзгаради. Бунда, озуқа моддалари йиғиндиси (N + S) ёпишқоқлиги бўлмаган АС учун 35,23-36,37% ни, сульфат-нитрат аммоний учун эса 36,57-38,85% ни ташкил этади.

$\text{NH}_4\text{NO}_3 : (\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ нисбатига боғлиқ равишда ёпишқоқлиги бўлмаган АС ва сульфат-нитрат аммоний намуналар доналарининг мустаҳкамлиги мос равишда 3,85 дан 5,34 МПа гача ва 5,65 дан 7,75 МПа гача оралиғида бўлади. АС суюқланмасига 3 дан 14% гача $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ қўшиш унинг доналари ёпишқоқлигини тоза селитрага ($5,62 \text{ кг/см}^2$) нисбатан 2,72 дан $2,20 \text{ кг/см}^2$ гача камайишига сабаб бўлади. Энг яхши кўрсаткич $\text{NH}_4\text{NO}_3 : (\text{NH}_4)_2\text{SO}_4 = 60 : 40$ нисбатида аниқланди, унинг доналари ёпишқоқлиги, ғоваклиги ва суюқ ёқилғини шимиши $1,26 \text{ кг/см}^2$, 5,36% ва 2,29 г қийматигача камаяди. Шундай қилиб, доналар мустаҳкамлиги қанча юқори бўлса, ғоваклиги шунча кам бўлади ва доналар ҳаводаги намликни шунча кам ютади натижада селитранинг ёпишқоқлиги камаяди.

Термик усулда АСнинг полиморф ўзгаришларига $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ нинг таъсири ўрганилди. Термик тадқиқотлар NETSCH STA 409 PC/PG жиҳозида қиздириш-совутиш ҳарорати 25 дан 175°C гача ва -175 дан 25°C гача оралиғида ўтказилди. Кўрсатдики, тоза NH_4NO_3 нинг суюқланиши одатдагидек IV→III; III→II; II→I; I→суюқланма кетма-кетлигида кетади ва бунда ўтиш ҳароратлари IV→III 46°C ; III→II 85°C ; II→I 126°C ;

I→суюқланма 169°C ни ташкил этади. Аммоний сульфат кўшимчали ўғит намуналарида ҳам NH₄NO₃ га хос бўлган аммо, ўтиш ҳароратлари бўйича фарқ қилувчи 4 та ўзгаришлар кузатилди (6-жадвал).

6-жадвал

АС ва аммоний сульфати асосида олинган ёпишқоқлиги бўлмаган аммиакли селитрасининг модификацион ўтиш ҳароратлари

NH ₄ NO ₃ : (NH ₄) ₂ SO ₄	Эгри чизикдаги кўрсаткичлар								
	IV→III	III→II	II→I	I→суюқ.	суюқ.→I	I→II	II→III	III→IV	II→IV
	25 дан 185°C гача қиздириш				185 дан 25°C гача совутиш				
NH ₄ NO ₃ «тоза»	46	85	126	169,6	169	125	48	30	-
97 : 3,0	54,8	89,2	130,0	174,8	167,1	113,4	-	-	42,2
95 : 5,0	55,1	89,7	129,6	176,7	168,6	108,0	-	-	41,7
93 : 7,0	55,3	90,0	129,1	178,5	169,4	102,7	-	-	41,1
90 : 10	55,6	90,6	128,8	180,2	170,5	97,1	-	-	40,6
86 : 14	56,0	91,1	128,5	182,6	171,8	92,3	-	-	40,2

NH₄NO₃ : (NH₄)₂SO₄ = 97 : 3; 93 : 7 ва 86 : 14 нисбатларда олинган ўғитларда бу кўрсаткичлар мос равишда 54,8; 89,2; 130; 174,8 ва 55,3; 90; 129,1; 178,5 ҳамда 56; 91,1; 128,5; 182,6°C ни ташкил этади. Ушбу маълумотлардан кўринадики, аммоний сульфати АСнинг суюқланиш ва кристалланиш ҳароратларини сезиларли оширади. Аммоний сульфати тутган АС суюқланмалари совутилганда полиморф ўзгаришлар суюқланма→I; I→II ва II→IV кетма-кетлигида амалга оширилади. Бунда, III фаза ҳосил бўлмайди, II→IV ўтиш III фазани четлаб ўтади, бу эса доналарни кристалл панжарасининг кам деформациясини ва етарлича мустаҳкамлигини таъминлайди.

7-жадвал

NS-ўғитлар намуналари доналари термик турғунлиги ўзгаришининг термик цикллар сонига боғлиқлиги

NH ₄ NO ₃ : (NH ₄) ₂ SO ₄ оғирлик нисбати	IV↔III шаклларга ўтишда синган доналар миқдори, %							
	10 цикл	25 цикл	50 цикл	90 цикл	100 цикл	150 цикл	175 цикл	200 Цикл
Ёпишқоқлиги бўлмаган АС намуналари								
97 : 3,0	-	-	19	67	86	-	-	-
95 : 5,0	-	-	15	54	79	-	-	-
93 : 7,0	-	-	9	46	65	-	-	-
90 : 10	-	-	4	37	53	-	-	-
86 : 14	-	-	-	28	47	100	-	-
Сульфат-нитрат аммоний намуналари								
83 : 17	-	-	-	15	38	95	-	-
80 : 20	-	-	-	10	24	89	-	-
78 : 22	-	-	-	6	19	83	-	-
75 : 25	-	-	-	3	12	78	100	-
70 : 30	-	-	-	-	8	71	96	-
65 : 35	-	-	-	-	5	66	88	-
60 : 40	-	-	-	-	2	54	79	100

